

**ЎЗБЕКИСТОН АГРАР ФАНИ
ХАБАРНОМАСИ**

1 (75) 2019



**ВЕСТНИК АГРАРНОЙ НАУКИ
УЗБЕКИСТАНА**

1 (75) 2019

**BULLETIN OF THE AGRARIAN
SCIENCE OF UZBEKISTAN**

ЎЗБЕКИСТОН АГРАР ФАНИ ХАБАРНОМАСИ

БОШ МУҲАРРИР:

академик

**Ботир
СУЛАЙМОНОВ**

Бош муҳаррир

ўринбосари:

профессор

**Лазизахон
ГАФУРОВА**

Бош муҳаррир

ўринбосари:

қ.х.ф. доктори

Махсуд АДИЛОВ

Масъул котиблар:

Шохсанам

ЁДГОРОВА

(рус тили),

Мусобек АШУРОВ

(инглиз тили)

Нашр учун масъул:

Бахтиёр НУРМАТОВ

Журнал 2000 йил апрель
ойида ташкил топган.
Бир йилда 4 марта чоп
этилади.

700140, Тошкент -140,
Университет кўчаси, 2,
ТошДАУ

Тел: (+99871) 260-50-59.
Факс: 260-38-60.

Е-mail: agrar_fani@mail.ru
*Мақолада келтирилган факт
ва рақамлар учун муаллифлар
жавобгардир.*

Муҳаррир:
**АЛИМКУЛОВ
ДЕНИСЛАМ**

**1 (75)
2019 йил**

Тахрир хайъати:

А.А. Абдуллаев – академик,
И.А. Абдурахманов - профессор,
А.А. Аманов – профессор,
Х.Н. Атабаева – профессор,
Х.Ч.Бўриев – профессор,
И.И.Васенев – профессор (Россия)
Р.Д. Дусмуратов – профессор,
В.И. Зуев – профессор,
А.К. Кайимов – профессор,
Х.Х.Кимсанбаев – профессор,
Л.С.Кучкарова – профессор,
М.А.Мазиров – профессор (Россия)
А.М.Мухаммадиев – профессор,
Р.С.Назаров – профессор,
У.Н.Носиров – профессор,
Т.Э.Остоноқулов – профессор,
Ш.Н.Нурматов – профессор,
А.Р.Ражабов – профессор,
М.Т.Таиболтаев – профессор,
Ш.Ж.Тешаев – профессор,
Т.Ф.Фармонов – профессор,
Б.О. Хасанов – профессор,
Э.А.Холмуродов – профессор,
Н.С.Хушиматов – профессор,
У.П. Умурзаков – профессор,
А.А.Абдувасиков - доцент

ТАЪСИСЧИЛАР:

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб
чиқариш маркази.

Тошкент давлат аграр университети.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти.

Самарқанд ветеринария медицинаси институти.

Тошкент давлат аграр университетининг Андижон филиали.

ВЕСТНИК АГРАРНОЙ НАУКИ УЗБЕКИСТАНА

Селекция, генетика ва уруғчилик	
Ашуров М., Абдумажитов А., Алимова Д., Содикова М., Маманазаров М. Дунё мамлакатларида ғўза селекцияси ва пахта ишлаб чиқариши.....	79
Матякубов С.К., Намазов Ш.Э., Холмуродова Г.Р., Юсупов А., Мадартов Б.К. Геномлараро мураккаб дурагайларда тезпишарликнинг ирсийланиши.....	84
Бойкулова Г. Роторли ўриш аппаратини топинамбур поясини йиғиштиришга тадқиқ этиш.....	86
Д.М.Умиров ¹ , Б.Х.Аманов ² . Иссикхона ва дала шаронтида таҳлил қилинган бошланғич манба, F ₁ , F ₁ V ₁ беккросс ўсимликларида битта кўсақдаги пахта вазнининг ирсийланиши.....	88
Б.Х. Аманов ¹ , Д.М. Умиров ² . Иссикхона ва дала шаронтида ўрганилаётган бошланғич манба, F ₁ , F ₂ ўсимликларида тола чикими белгисининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги.....	91
Мадартов Б.Қ, Мавлонова Н.У. Ғўзада беккросс оила ва тизмаларда тезпишарликнинг шаклланиши.....	95
Агрокимё ва тупрокшунослик	
М.Э.Саидова, М.М.Даулетмуратов. Оролбўйи суғориладиган ўтлоки-аллювиал тупрокларида гумус миқдорининг тақсимланиши.....	98
О.К.Садуллаев, Ж.М.Қўзиёв, Н.Ж.Халилова. Суғориладиган типик бўз тупрокларнинг унумдорлиги ва уни оширишга оид тавсиялар.....	101
Агроиктисодиёт	
Шодмонкулов К.М. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	105
Зоотехния ва ветеринария	
О.О.Амиров., А.Э.Кучбоев., Х.Г.Собирова., Р.Р.Каримова. Ассоциативные инвазии нематод пищеварительной системы овец узбекистана.....	109
Алиев Д.Д., Арипов У.Х., Исмоилов М.Ш., Хақимов У.Н. Қорақўл қўйлари биологик кўрсаткичлар билан маҳсулдорлик корреляциясининг боғлиқлиги.....	113
Кузметов А.Р., Абдиназаров Х.Х., Исроилов С.У. Фарғона водийси сув омборлари зоопланктон организмларининг сифат ва миқдор жиҳатидан ривожланиши.....	116
Ипакчилик	
Ч.И.Беккамов, Н.С.Сохибова, М.О.Зикирова. Интенсив тутзорларни ташкил қилиш ва наводор тут баргларида фойдаланиш тизими самарадорлиги.....	122
Қишлоқ хўжалигида механизациялаш ва электрификациялаш	
Ш.Х.Абдурахмонов, Д.А.Алижанов. Чорвадорлар учун дон майдалаш қурилмасини иктисодий баҳолаш.....	116
М. Тошболтаев, М. Джиянов. Машина-трактор парк таркибини тўпламлар назарияси асосида оптималлаш.....	124
Қишлоқ хўжалигида инновацион технологиялар	
Шарипов С. Я., Абдусатторов Б.А. Маҳсулотларни қайта ишлаш жараёнида замонавий саралаш жихозларининг ўрни ва аҳамияти.....	132
Муаммолар. Муҳокама. Фактлар.	
И.Р.Хўжамуродов. Тарихий меросимизда боғдорчиликка эътибор.....	135
Қисқа ахборотлар	
Д.Т.Турдиева, З.Қўлдашова. Андижон вилоятида бугдой экинларининг касалликлари ва уларга қарши кураш чораларини такомиллаштириш.....	142
С.А. Турдиев. Ўзбекистонда шарқ жийдаси плантацияларини барпоэтиш технологияси.....	143

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ВА ЭЛЕКТРИФИКАЦИЯЛАШ

УЎТ 631.3.41

Ш.Х.АБДУРОХМОНОВ, Д.А.А.ЛИЖАНОВ

ЧОРВАДОРЛАР УЧУН ДОН МАЙДАЛАШ ҚУРИЛМАСИНИ ИҚТИСОДИЙ БАҲОЛАШ

Мақолада тадқиқот объекти сифатида чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликлари учун донли озуқаларни зоотехник талабларга мос ўлчамда майдалаб берадиган дон майдалаш машинаси техник тавсифи ва дон майдалаш машинасини тизимли ва солиштирма услубидан фойдаланган ҳолда иқтисодий баҳолаш, ҳисоблаш услуби ва ҳисоблаш натижалари келтирилган.

Ҳисоблашлар натижасида иқтисодий самарадорлик, фойдаланиш харажатлари ва қўшимча кўрсаткичлар олинган ва ҳулоса килинган.

Таянч сўзлар: *чорва моллари, озуқа майдалаш, нисбий энергия сарфи, иқтисодий баҳолаш, самарадорлик, фойдаланиш харажатлари, қоплаш муддати, иш унуми.*

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳасидаги илмий ва ишлаб чиқариш тузилмалари томонидан ресурстежамкор техникаларни яратиш ҳамда уларни амалиётга жорий этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда янги техникаларни жорий этишнинг асосий вазифаси нисбий энергия сарфини камайтириш, маҳсулот ишлаб чиқариш сифатини яхшилаш, ишчи кучини тежаш, меҳнат шароитини яхшилаш, маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскирган техникаларни янгилашдан иборат. Ушбу жиҳатдан чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришини янги техника воситалари билан жиҳозлашда, янги техника ва технологияларни яратишда уларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш масаласи долзарб ҳисобланади.

ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ ВА УСЛУБИЯТИ

Тадқиқот объекти сифатида чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик учун донли озуқаларни зоотехник талабларга мос ўлчамда майдалаб берадиган дон майдалаш машинаси олинган.

Иқтисодий баҳолашда донли озуқаларни чорва моллари ва паррандалар учун майдалаш қурилмасининг умумий ва қиёсий самарадорлиги аниқланади. Умумий самарадорлик техника ва

ускуналарни қўлаш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади, қиёсий самарадорлик эса базис вариантга нисбатан энг самарали бўлган янги техник воситалардан қайси бирини қўлаш лозимлигини аниқлаш имконини беради.

Қурилманинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи бўлиб донни зоотехник талабларга мос равишда майдалашда фойдаланиш харажатларининг пасайиши ҳисобланади. Яъни, иқтисодий баҳолашнинг асосий босқичлари куйидагилар бўлиши мумкин:

- қурилмани тавсифлаш;
- таққослаш базаси учун анъанавий машиналарни танлаш;
- фойдаланиш харажатларини ҳисоблаш;
- мазкур қурилмани қўлашнинг иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Қурилмани тавсифлаш. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг “Қишлоқ хўжалик машиналари” кафедраси доценти Д.Алижанов ва “Тракторлар ва автомобиллар” кафедраси катта ўқитувчиси Ш.Х.Абдурахмоновлар томонидан чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликлари учун зоотехник талабларга кўра озуқага донларни керакли ўлчамда майдалаб берадиган дон майдалаш машинаси ишлаб чиқилган[1,2].

Курилманинг вазифаси: чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликлари учун донли озукаларни зоотехник талабларга мос равишда керакли ўлчамларда майдалаб беришдан иборат.

Курилманинг афзалликлари:
 - нисбий энергия сарфи кам;
 - майдалаш сифат кўрсаткичлари зоотехник талабларга жавоб беради;
 - бир ва уч фазали тоқларда ишлай олади.



1-расм. Донли озукаларни майдалаш қурилмасини хўжалик шароитида синаш жараёнидан лавҳалар:

а-Бука тумани “Саркор” фермер хўжалигида; б-Ўрта Чирчиқ тумани “Бўстон” фермер хўжалигида.

Дон майдалагични техник-иқтисодий асослаш

Инновацион, ресурстежамкор технологияни иқтисодий баҳолашнинг мақсади ротор-дискли дон майдалагични қўлашдан олинган амалдаги иқтисодий самарани аниқлашдир.

Дон майдалагични қиссий иқтисодий баҳолашнинг асосий кўрсаткичларидан бири янги машинани ишлатишдан олинган йиллик иқтисодий самара ҳисобланади.

Бунда иқтисодий баҳолашнинг асосий босқичлари қуйидагилар бўлиши мумкин [4.5]:

- дон майдалаш машинасини тавсифлаш;
- таққослаш базаси учун анъанавий машиналарни танлаш;
- эксплуатация харажатларини ҳисоблаш;
- мазкур технологияни қўлашнинг иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш.

Дон майдалаш машинасини тавсифлаш.

РДД-100 ротор-дискли дон майдалагич-2.2 кВт қувватга, 380В ва 50Гц кучланишга эга электр тармонига уланишга мўлжалланган. Мазкур ресурстежамкор технологияни иш унуми 80-120 кг/соатни ташкил этади. Битта ишчи томонидан хизмат кўрсатилади [1.2].

Дон майдалаш машинасининг вазифаси:

РДД-100 ротор-дискли дон майдалагич буғдой, арпа, маккажўхори ва бошқа ўсимлик донларини майдалаш учун мўлжалланган.

Таққослаш базаси сифатида базавий модель ДКР-0.3 майдалагичи [3] олинган бўлиб РДД-100 ротор-дискли дон майдалагич билан таққосланади.

Эксплуатация харажатларини ҳисоблаш.

РДД-100 ротор-дискли дон майдалагични фойдаланиш харажатларини ҳисоблаб чиқиш учун асосий техникавий-иқтисодий тавсифлар ва дастлабки маълумотлардан фойдаланилган.

Янги машинани ишлатишдан олинган йиллик иқтисодий самара қуйидаги формула бўйича аниқланади [4]:

$$E_{\gamma} = Q_{\gamma} \cdot (CK_{\beta} - CK_{\gamma} + E_{\beta}) \quad (1)$$

бунда: CK_{β} , CK_{γ} – базавий ва янги машиналар бўйича бажарилган бир бирлик ишга келтирилган харажатлар, сўм/т;

E_{β} – ишчи кучининг бўшаши, эришилган меҳнат шароити, бир бирлик бажарилган ишга тўғри келадиган маҳсулот миқдори ва сифатининг ўзгариши ҳисобидан олинган иқтисодий самара (амалдаги меъёрларга мувофиқ аниқланади), сўм/т;

Q_{γ} – янги машинанинг табиий иқлим ҳудудида йил давомида бажарган иши, т/йил.

**Ротор-дискли дон майдалагични қўлашдан олинадиган техник-иқтисодий самарадорликни
ҳисоблаш учун дастлабки маълумотлар (2018 йил нархларида)**

№	Кўрсаткичлар	Белгиси	Базавий вариант	Янги вариант
1	Баланс киймати, минг сўм	N_b	4200	1712
2	Оғирлиги, кг	G_m	110	130±10
3	Электр энергия сарфи, кВт, соат/тонна	q	40	22
4	Ишунуми, т/соат	W_u	0,075	0,1
5	Ўрнатилган қувват, кВт	P	3	2,2
6	Худудий йиллик юклама	T_Y	2040,0	2040,0
7	Реновацияга ажратмалар меъёри, %	a	16,7	16,7
8	Капитал таъмирлашга харажатлар меъёри, %	r_k	0	0
9	Таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатишга харажатлар меъёри, %	r_t	13,0	13,0
10	Хизмат кўрсатувчи ходимлар сони, киши	N_x	1	1
11	Хизмат кўрсатувчи ходимларнинг соатлик ставкаси, минг сўм/соат	τ_j	8	8

Янги машинанинг хизмат муддати мобайнида ишлаб чиқариш ва фойдаланишдан олинган самара куйидаги формула бўйича аниқланади:

$$E_{X.M} = \frac{E_Y}{\alpha_Y + E} \quad (2)$$

бунда: E – капитал кўйилмалар самарадорлигининг меъёрий коэффициенти, $E=0,15$;
 α_Y – янги машина бўйича реновацияга ажратмалар коэффициенти [4].

Янги машинанинг лимит нархи (P_L):

$$P_L = P_{y.ch} \cdot \sigma \quad (3)$$

бунда: $P_{y.ch}$ – янги машина нархининг юкори чегараси, сўм;

σ – истеъмолчи учун янги машинадан фойдаланиш туфайли олинадиган самаранинг кафолат коэффициенти, $\sigma=0,80$.

Янги машина нархининг юкори чегараси:

$$P_{y.ch} = \left(\frac{E_Y}{\alpha_Y + E} + N_b \right) \cdot \frac{1}{\delta} \quad (4)$$

бунда: δ – улгуржи нархни баланс нархига ўтказиш коэффициенти, $\delta=1,2$ [4].

N_b – янги машинанинг баланс нархи, сўм.

Янги машинани ишлатишда меҳнатнинг йиллик тежалиш миқдори:

$$C_Y = (C_{M.B.} - C_{M.Y.}) \cdot Q_Y \quad (5)$$

бунда: $C_{M.B.}$ ва $C_{M.Y.}$ – базавий ва янги машиналарнинг бажарган иш бирлигига тўғри келадиган меҳнат харажатлари, киши·соат/т.

Янги машинани базавий машина билан таққослаганда харажатларнинг ўзгариш даражаси куйидаги формула бўйича аниқланади:

$$C = \frac{C_{y.b.} - C_{y.y.}}{C_{y.b.}} \cdot 100\% \quad (6)$$

бунда: $C_{y.b.}$, $C_{y.y.}$ – мос ҳолда базавий ва янги машиналар бўйича янги машиналар йиллик иш ҳажмига ҳисобланган йиллик харажатлари (меҳнат харажатлари, бевосита фойдаланиш харажатлари, капитал кўйилмалар, келтирилган харажатлар), киши·соат/сўм.

Бир бирлик бажарилган иш учун келтирилган

харажатлар:

$$CK = C_{экс} + K \cdot E \quad (7)$$

бунда: $C_{экс}$ – бир бирлик бажарилган иш учун бевосита фойдаланиш харажатлари, сўм/т;

K – бир бирлик бажарилган ишга тўғри келадиган капитал кўйилмалар.

Бир бирлик иш учун бевосита фойдаланиш харажатлари:

$$C_{экс} = C_m + C_e + C_{TO} + C_r + C_{bosh} \quad (8)$$

бунда: C_m – хизмат кўрсатувчи ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари, сўм/т;

C_e – электр энергиясига кетган харажатлар, сўм/т;

C_{TO} – техник хизмат кўрсатишга, жорий ва капитал таъмирлашга кетадиган харажатлар, сўм/т;

C_r – реновацияга харажатлар, сўм/т;

C_{bosh} – асосий ва ёрдамчи материалларга кетадиган бошқа бевосита харажатлар, сўм/т.

Хизмат кўрсатувчи ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари:

$$C_m = \frac{1}{W_{cm}} \cdot \sum_j L_j \cdot \tau_j \cdot K_k \quad (9)$$

бунда: W_{cm} – 1 соатлик смена вақти учун агрегатнинг унуми,

$W_u=0,075$ т/соат ва $W_n=0,1$ т/соат;

L_j – j -чи ишлаб чиқариш ходимлари сони, $L_j=1,0$ киши;

τ_j – меҳнатга ҳақ тўлашнинг соатлик тариф ставкаси, $\tau_j=8$ минг сўм/соат;

K_k – маҳсулот учун ҳисоб-китоб қилиш бўйича қўшимча ҳақни, мукофотларни, иш тоифаси ва стажи, малакаси учун устама ҳақларни, таътил учун ҳақ тўлашни ва иктымий суғурта учун ҳисобланган ҳақни инобатга олувчи коэффициент, $K_k=1,2$ [4].

$$C_{m.y.} = \frac{1}{0,1} 1,0 \cdot 8 \cdot 1,2 = 96 \text{ минг сўм/т.}$$

Электр энергиясига сарфлар куйидаги формула бўйича аниқланади:

$$C_e = q \cdot N \quad (10)$$

бунда: q – электр энергияси сарфи, кВт·соат/т;

$q_y=22$ кВт·соат/т.

N-1 кВт электр энергия нархи 260 сўм/кВт·соат.

$$C_{э.у.} = 22 \cdot 260 = 5,72 \text{ минг сўм/т}$$

Машинанинг баланс нархидан меъерий ажратмалар, техник хизмат кўрсатиш, жорий ва капитал таъмирлаш харажатлари:

$$C_{ГО} = \frac{N_b \cdot (K_{т.р} + K_{к.р})}{W_u \cdot T_y} \quad (11)$$

N_b - машинанинг баланс нархи, $N_{b,y.}=1712$ минг сўм;

$K_{т.р}$ - дон майдалагични жорий таъмирлашга ва техник хизмат кўрсатишга ажратмалар коэффициенти, $K_{т.р}=0,13$ [4];

$K_{к.р}$ -дон майдалагични капитал таъмирлашга ажратмалар коэффициенти, $K_{к.р}=0$ [4];

W_u - агрегатдан фойдаланишнинг 1 соатига тўғри келадиган иш унуми, $W_{u,y.}=0,1$ т/соат;

T_y - дон майдалагичнинг меъерий йиллик юкласи, $T_y=2040$ соат.

$$C_{ГО,y.} = \frac{1712 \cdot (0,13 + 0)}{0,1 \cdot 2040} = 1,09 \text{ минг сўм/т}$$

Машинанинг реновациясига ажратилган харажатлар қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$C_r = \frac{N_b \cdot \alpha}{W_u \cdot T_y} \quad (12)$$

бунда: α -машинанинг реновациясига ажратмалар коэффициенти, $\alpha=0,167$ [4].

$$C_{r,y.} = \frac{1712 \cdot 0,167}{0,1 \cdot 2040} = 1,4 \text{ минг сўм/т}$$

Ҳосил бўлган қийматларни (8)формулага қўямиз:

$$C_{жс.у.} = 96 + 5,72 + 1,09 + 1,4 = 104,21 \text{ минг сўм/т}$$

Машина бўйича капитал қўйилмалар ишнинг бир бирлигига тўғри келадиган сарфлар ҳисоблаб чиқилади:

$$K = \frac{N_b}{W_u \cdot T_y} \quad (13)$$

$$K_y = \frac{1712}{0,1 \cdot 2040} = 8,39 \text{ минг сўм/т}$$

Ишнинг бир бирлигига сарфланган меҳнат харажатлари:

$$C_M = \frac{L}{W_u} \quad (14)$$

$$C_{M,y.} = \frac{1}{0,1} = 10 \text{ киши соат/т}$$

Янги машинанинг йиллик иш ҳажми:

$$Q_y = W_u \cdot T_y \quad (15)$$

$$Q_{y,y.} = 0,1 \cdot 2040 = 204 \text{ т/йил}$$

$$CK_y = 104,21 + 8,39 \cdot 0,15 = 105,47 \text{ минг сўм/т}$$

$$K_{y,y.} = 8,39 \cdot 204 = 1711,6 \text{ минг сўм/йил}$$

Сўнг базавий модель ДКР-0,3 учун бир бирлик ишга тўғри келадиган келтирилган харажатларни формулалар (9-15) бўйича ҳисоблаб чиқамиз ва жадвалга туширамиз (2-жадвал).

Ротор-дискли дон майдалаш машинасидан фойдаланишнинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Дон майдалагичдан фойдаланиш самарадорлигининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Базавий	Янги
1	Дон майдалагичнинг иш унуми	т/соат	0,075	0,1
2	Меҳнат харажатлари	киши/соат	13,3	10
3	Бевосита фойдаланиш харажатлари	минг сўм/т	146,55	104,21
4	Шу жумладан: Иш ҳақи	минг сўм/т	128	96
	Электр энергия сарфи	минг сўм/т	10,4	5,72
	Жорий таъмирлаш харажатлари	минг сўм/т	3,57	1,09
	Реновацияга ажратмалар	минг сўм/т	4,58	1,4
5	Капитал қўйилмалар салмоғи	минг сўм/т	27,45	8,39
6	Келтирилган харажатлар	минг сўм/т	150,67	105,47
7	Йиллик иқтисодий самара	минг сўм	-	14606,4

Шундай қилиб ўтказилган техник-иқтисодий ҳисоблашлар шуни кўрсатадики, РДД-100 ротор-дискли дон майдалагични ДКР-0,3 майдалагич билан таққослаганда олинadиган йиллик самара 14606,4 минг сўмни ташкил этади.

ХУЛОСА

Ўтказилган ҳисоб-китобларнинг натижалари қуйидаги хулосалар қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади:

1.Меҳнат харажатлари базавий машина бўйича 13,3 киши/соат ни, янги машина бўйича эса 10

киши/соат ни, меҳнат ҳаражатлари тежалиши 1,33 баробарни ташкил қилади.

2.Электр энергия сарфи базавий машина 10,4 минг сўм/т ни, янги машина бўйича эса 5,2 минг сўм/т ни ташкил этган бўлиб. Жараённинг энергия сифими янги дон майдалаш машинасини қўллаш натижасида 1,81 баробарга камаяди.

3.Янги дон майдалаш машинасини қўллашдан олинган йиллик иқтисодий самара 14606,4 минг сўмни ташкил қилади.

ТИҚХММИ

Қабул қилинган вақти
17 октябр 2018 йил